

ОЛДИ-СОТДИШАРТНОМАСИ № 00023

Самарканд шаҳар

27.01. 2022 йил

МШҲ «НУМО МЕД-PHARM» кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи З.Н.Исмаиловномидан, бир томондан ва Самарканд вилоят рухий касаликлар шифохонаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Бош врач А.А.Ахроровномидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот) ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулот) ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган змуддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси | ҚҚС | | Сумма |
|-------------|--|---------------|------------|--------|-------------------|----------|-------|-------------------|
| | | | | | | % | Сумма | ҚҚС билан бирга |
| 1. | Карбамезипин ФС (Carbamazepine) 0.2 мг №50 | уп | 600 | 22165 | 13 299 000 | ҚҚС -сиз | | 13 299 000 |
| 2. | Рифампицин (Rifampicin) кап. 150 мг №20 | уп | 80 | 15 825 | 1 266 000 | ҚҚС -сиз | | 1 266 000 |
| 3. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Комбисол) р-р 200 мл | фл | 100 | 38 765 | 5 814 750 | ҚҚС -сиз | | 3 876 500 |
| 4. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Сукцимед) р-р 200 мл | фл | 100 | 38 765 | 5 814 750 | ҚҚС -сиз | | 3 876 500 |
| Жами | | | 880 | | 22 318 000 | | | 22 318 000 |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 22 318 000 (Йигирма икки миллион уч юз ун саккиз минг беш юз) сўми ташкил қилади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10_ банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарларташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича ___-кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланад

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартноманинг шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берилганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муस्ताкил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли

“Енгиб булмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Етказиб берувчи | Буюртмачи |
|---|--|
| <p>Ташкилот номи: МСНJ «HUMO MED-PHARM» Манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Нурли келажак МФЙ, Сайқал кучаси, 10 уй</p> <p>Тел.: 933380002</p> <p>Х/Р 20208000205275009001 Банк номи : Агробанк АТБининг худудий филиали</p> <p>СТИР коди: 307630975</p> <p>ОНХ:</p> <p>МФО : 00279</p> <p>Рахбар (директор): З.Н.Исмаилов М.Ў.</p> | <p>Ташкилот номи: Самарқанд вилоят рухий касаликлар шифохонаси</p> <p>Манзил: Ургут туман Халқобод кишлоғи Уқрач маҳалласи</p> <p>Телефон: +998 (95) 410-40-20; Ташкилотнинг СТИР: 201213890 ИФУТ: 91513 ШҒХ: 100021860182367073201054001 Ғазначилик бўлинмасининг номи: Самарқанд вилоят ғазначилик бошқармаси ЯҒХ: 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ) МФО: 00015</p> <p>Ғазначилик бўлинмасининг СТИР: 201118919</p> <p>Рахбар (директор): А.А.Ахроров М.Ў.</p> |



"ТАСДИКЛАЙМАН"

вилоят рухий касалликлар шифохонаси
бош врачлари _____ А.А.Ахроров

М.П. _____ (хизм)
" 27 " 01 2022 йил

Самарқанд вилоят рухий касалликлар шифохонасига дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий усқуналар харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши

БАЁНИ

27.01.2022 йил

Ургут тумани

КОМИССИЯ РАИСИ

Даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари

Ў.Р.Ибрагимов

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

- Дорихона мудири
- 10-булим бошлиғи
- 3-булим бошлиғи
- 8-булим бошлиғи
- 20-булим бошлиғи
- Дори-дармон ҳисобчиси

- Ғ.Н.Донияров
- М.М.Мирзаев
- Д.Н.Бобоқулова
- М.К.Эргашев
- Б.К.Раззаков
- Ф.Н.Халмуминов

КУН ТАРТИБИ:

Шифохонага дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозлар харид қилиш бўйича «PHARMED SAMARQAND» ООО, «SPACE MED» ООО ва «HUMO MED-PHARM» ООО лар томонидан танлов (тендер) Комиссиясига тақдим этилган тижорат таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини аниқлаш.

Сўзга чиққанлар: Ў.Р.Ибрагимов Ғ.Донияров

Йиғилишда қайд этилдики, шифохонанинг дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозлар харид қилиш бўйича комиссиясининг дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозлар харид қилиш бўйича бир қатор корхоналардан тижорат таклифлари олинган.

- Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Дахбет кўчаси 8-уйда жойлашган «PHARMED SAMARQAND» ООО томонидан 2022 йил 27 январдаги №07-сонли хат билан;
- Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Али Қўшчи кўчаси 19-уй 32-хонада жойлашган «SPACE MED» ООО томонидан 2022 йил 27 январдаги №09-сонли хат билан;
- Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Нурли келажак МФЙ Сайқал кўчаси 10-уйда жойлашган «HUMO MED-PHARM» ООО томонидан 2022 йил 27 январдаги №06-сонли хат билан;

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган тижорат таклифларига мувофиқ дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозлар харид қилиш бўйича танловда иштирок этиш учун қўйдаги тур, ўлчам ва нархлар таклиф этилган:

| Т/р | Тури | Ўлчов бирлиги | Етказиб берувчиларнинг таклиф нархлари | | |
|-----|--|---------------|--|-----------------|-------------------------|
| | | | «HUMO MED-PHARM» ООО | «SPACE MED» ООО | «PHARMED SAMARQAND» ООО |
| 1 | Карбамезипин ҒС(Carbamazepine) 200 мг №50 | уп | 22 165,00 | 23 100,00 | 24 500,00 |
| 2 | Рифампицин (Rifampicin) кап. 150 мг №20 | уп | 15 825,00 | 17 200,00 | 18 300,00 |
| 3 | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Комбисол) р-р 200 мл | фл | 38 765,00 | 40 400,00 | 41 200,00 |
| 4 | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Сукцимед) р-р 200 мл | фл | 38 765,00 | 40 400,00 | 41 200,00 |

Корхоналар томонидан таклиф этилаётган дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозларни сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва зарур бўлганда уларни бюджет ташкилотлари томонидан олингунга қадар оморларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилган.

Бундан ташқари, дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозлар харид қилиш «HUMO MED-PHARM» ООО дан олинган тижорат таклифи нархлари арзонлиги эътиборга олиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, оморларда сифатли сақлаб туриш хар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шифохонага дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозларни:
 - тақдим этилган нархлари арзонлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда ва махсулотларни олингунга қадар оморларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати;
- қорхона шифохонага яқин жойда жойлашганлиги, бу эса озик-овқат махсулотини етказишда транспорт харажатларини иқтисод қилиш имконияти тавжудлиги туфайли «HUMO MED-PHARM» ООО дан харид қилинсин.

2. «HUMO MED-PHARM» ООО дан дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозларини харид қилиш бўйича шифохона ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. «HUMO MED-PHARM» ООО дан дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозларини харид қилиш бўйича шифохона ўртасида дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозларини харид қилиш бўйича тузиладиган хўжалик шартномалари лойиҳалари икки томонлама, яъни «HUMO MED-PHARM» ООО томонидан жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар ҳамда шифохона юристи экспертизасидан ўтказиш белгилансин.

4. «HUMO MED-PHARM» ООО дан дори-дармон ва боғлов воситалари, тиббий жихозларини харид қилиш бўйича шифохона ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг 2 (икки) асли ва 1 (бир) нусхаси вилоят Ғазначилик бошқармаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторинги гуруҳига бош ҳисобчи Ғ.И.Тангматов томонидан тақдим этилсин ва ижроси назоратга олинсин.

Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасига шартномалар билан биргаликда, қуйидагилар тақдим этилсин:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган суровнома;
- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов жадвали;
- мазкур комиссия йигилиши баённома асли (қайтарилди) ва нусхаси;
- танлов ёки тендер қолибининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- товарлар миқдори, ҳажми, тури, нархи ва суммаси қайд этилган товарлар рўйхати;
- танлов ёки тендерда иштирок этган хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган тартибда ва шаклда тақдим этган харид таклифлари тақдим этилсин.

КОМИССИЯ РАИСИ

Даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Дорихона мудир

10-булим бошлиғи

3-булим бошлиғи

8-булим бошлиғи

20-булим бошлиғи

Дори-дармон ҳисобчиси

Ў.Р.Ибрагимов

Ғ.Н.Донияров


М.М.Мирзаев

Д.Н.Бобоқулова

М.К.Эргашев

Б.К.Раззаков

Ғ.Н.Халмуминов



Самарканд вилоят Рухий касаликлар
шифохонаси бош врач А.А.Ахроровга

ООО “ХУМО МЕД-PHARM “ Самарканд вилоят рухий касаликлар шифохонаси 2022 йил 27 январ куни Дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига куйидаги дори-дармон воситалари буйича уз таклифларимизни маълум қиламиз:

| № | Товар (махсулотлар) номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи |
|----|--|---------------|------|--------|
| 1. | Карбамезипин ФС(Carbamazepine) 0.2 мг №50 | уп | 1 | 22165 |
| 2. | Рифампицин (Rifampicin) кап. 150 мг №20 | уп | 1 | 15 825 |
| 3. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Комбисол) р-р 200 мл | фл | 1 | 38 765 |
| 4. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Сукцимед) р-р 200 мл | фл | 1 | 38 765 |

Таклиф этилаётган дори-дармон воситалари сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда етказиб бериш ва бажариш зарур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар оморларда тўлиқ сақлаб туриш кафолатланади (бошқа имкониятлар ҳам қайд этилиши мумкин)

“ХУМО МЕД-PHARM“ МСҲЖ директори



З.Н.Исмаилов



Самарканд вилоят рухий касаликлар
шифохонаси бош врач А.А.Ахроровга

“SPACE MED” MChJ Самарканд вилоят Рухий касаликлар шифохонаси 2022 йил 27 январ куни Дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига куйидаги дори-дармон воситалари буйича уз таклифларимизни маълум қиламиз:


| № | Товар (махсулотлар) номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи |
|----|--|---------------|------|-------|
| 1. | Карбамезипин ФС(Carbamazepine) 0.2 мг №50 | уп | 1 | 23100 |
| 2. | Рифампицин (Rifampicin) кап. 150 мг №20 | уп | 1 | 17200 |
| 3. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Комбисол) р-р 200 мл | фл | 1 | 40400 |
| 4. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Сукцимед) р-р 200 мл | фл | 1 | 40400 |

Таклиф этилаётган дори-дармон воситалари сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда етказиб бериш ва бажариш зарур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолатланади (бошқа имкониятлар ҳам қайд этилиши мумкин)

“SPACE MED” MChJ директори



Ж. Сайфуллаев



Самарканд вилоят рухий касаликлар шифохонаси бош врач А.А.Ахоровга

“PHARMED SAMARQAND” MChJ Самарканд вилоят Рухий касаликлар шифохонаси 2022 йил 27 январ куни Дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига куйидаги дори-дармон воситалари буйича уз таклифларимизни маълум қиламиз:

| № | Товар (махсулотлар) номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи |
|----|--|---------------|------|-------|
| 1. | Карбамезипин ФС(Carbamazepine) 0.2 мг №50 | уп | 1 | 24500 |
| 2. | Рифампицин (Rifampicin) кап. 150 мг №20 | уп | 1 | 18300 |
| 3. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Комбисол) р-р 200 мл | фл | 1 | 41200 |
| 4. | Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магний хлорид (Сукцимед) р-р 200 мл | фл | 1 | 41200 |

Таклиф этилаётган дори-дармон воситалари сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда етказиб бериш ва бажариш зарур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар оморларда тўлиқ сақлаб туриш кафолатланади (бошқа имкониятлар ҳам қайд этилиши мумкин)

“PHARMED SAMARQAND” MChJ директори



Ш.Хайдаров